

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1999 йил 31 декабр жума
Сотувда эркин нархда № 259 (2297)

НИЯТИНГИЗГА ЕТИНГ, БУВИЖОН!

106 ёшни қаршилаётган Ҳавохон момони нафақат Янгибод қишлоғидаги Паркент маҳалла аҳли, балки Қибрай туманидаги катта-кичик иззат-хурмат қилади, уни зиёрат қилишга, дуосини олишга интилади. Ҳавохон ая Отакул домла билан турмуш қурганида ҳали 18 ёлга ҳам тулмаганди. Яхши ниятда бир ёстиққа бош қўйган экан. Яратган эгам уларни фарзандлардан қисмади. Роса 22 нафар ўғил-қиз кўрдилар. Аммо у замонлар оғир эди. Икки ўғил, икки қизи омон қолди, холос. Отана улар атрофида парвона бўлиб, вояга етказишди. Бугун Ҳавохон момонинг атрофида 21 нафар неварга, 5 нафар эвара парвона.

— Энг катта бойлигим — фарзандлар неварачеварларим, — дейди онахон фахр билан. Уларни кўраверсам умримга умр қўшилиб кетаварди.

Сермазун, шу билан бирга яхши-ёмон кунларини бошдан кечирган, бугунги дорилмон замонага етиб келгунча турмушининг не-не захмату қувончларига дуч келган онахоннинг ҳозир ҳам орзулари бир жаҳон.

— Шу йил неварам Раҳимжонни уйдатириб, келинимнинг қўлидан бир пиёла чой ичсам, деб ният қилгандим. Яратган шукр, ниятим ушaldi. Халққа катта тўй бериб, келинимни бағримга босиб олдим, — дейди у мамнун бўлиб. — Хизматини қиладиган бисёр.

Аммо янги келин янгида. Худо етказса, ҳар йили бир келин туширсам, дейман...

Ҳавохон момонинг ҳаётдан мамнудлигини билиб турсак-да, бир савол бердик.

— Қайси даврин умрингизнинг энг яхши лаҳзалари, деб биласиз?

— Албатта, ҳозиргисини-да, болажонларим. Бу кунларга етгунча ҳазилкам азобларни кўрдикми? Э-ҳе, Николая пошпонадан тортиб, тўққизта раҳбарлар замонини кўрдим. Аммо ўзимизнинг ҳақиқий Йўлбошчимиз — Ислоҳ Каримов Президент бўлгандан кейингина бағримиз бут бўлди. Давлатимиз раҳбарга ёнчилди. Телевизорда ҳар сафар кўрганимда хурсанд бўлиб кетаман. Илойим, раҳбарга ёнчилганимиз чин бўлсин! Ислоҳ Каримовни Яратганнинг ўзи қўлаб-қуватласин! — дея қўл очиб, дуо қиламан.


— Ҳадемай сайлов бўлади. Кимга овоз берасиз?

— Гафати савол бердингиз-ку, болажонларим, — онахон норози қиёфада қараб қўйди. — Худойим уша кунларга соғ-омон етказса, Ислоҳжон ўғлимга овоз бераман-да!

Ниятингизга етинг, бувижон!

Камола МИРЗААХМЕДОВА,
Янгибод қишлоқлик сайловчи.


Темур АБДУРАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



ЎЗИМИЗНИКИ, ДЕЙИШ МАРОҚЛИ

Ибибармонлик фақат тишимсиз меҳнатдангина иборат эмас. Айниқса, бугунги кунда, янги бозор иқтисодий шароити табиридан катта ақл-заковат ва жасоратни ҳам талаб қилади. Қибрай туманидаги «БонКо ЛТД» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси ҳам ана шундай сави-ҳаракатлар ҳосиласидир.

Айни вақтда қўшма корхона ишлаб чиқараётган полиетилен қопларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Корхона маҳсулотлари нафақат ички бозорда сотилмоқда, балки чет элларга экспорт ҳам қилинмоқда. Бундан ташқари бу ерда исиқхоналар учун полиетилен иллари ҳам ишлаб чиқаришмоқда.



СУРАТЛАРДА: катта оператор Мурод Одилов иш устида; Наргиза Эрматовани бу ерда ҳамма хурмат қилади; уста оператор Нурали Қилчбоев толамини қаттиқлигини ўлчамоқда.

Даврон АҲМАД
олган суратлар.

АБДУЛҲАФИЗ ЖАЛОЛОВНИНГ САМАРҚАНДИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Самарқанд Кооператив институтида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан мамлакат Президентлигига номзод, маъзур партия Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг самарқандлик сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлов ишончи вакили — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши

насыева, Иштихон тумани А.Бердиқуллов номидаги тарихий раиси Б.Мансуров, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд шаҳар кенгаши биринчи котиби Ш.Темиров ва бошқалар сузга чиқиб, булжак сайлов жонажон Ватанимизнинг овоз ва обод келажакини таъминлашда муҳим ўрин тутганини таъкидлашди. 2000 йил 9 январда барча сайловчиларни Президентликка энг муносиб номзод учун овоз беришга чақирди.

Х. ШУКУРОВ,
ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИ УЧИНЧИ МИНГ ЙИЛЛИК САРИ

Президентимиз ташаббуси билан 2000 йил мамлакатимизда Соғлом авлод йили, деб эълон қилинди. Шу муносабат билан «Халқаро кураш» бағри билан Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт ҳамда Давлат маъмурият қўмиталари ҳамкорликда спортни, соғлом турмуш тарзини кенг қўлама тарғиб қилиш мақсадида юқоридаги шор остида плакатлар туркумини ташкилади. 12 та плакатдан иборат маъзур туркум «Ўзбекистон Президенти — спортнинг раҳнамоси», «Соғлом авлод — элга қанот», «Халқ уйлари — спортнинг илдизлари» каби мавзуларни ўз ичига олган.

Плакатларда истиқлол туфайли мамлакатимизда спортнинг барча турлари илчил ривожланиб бораётгани ақс этирилади. Жумладан, ҳозир республикамизда 292 та стадион, 5,5 мингта спорт зали, 37 мингдан зиёд спорт майдончаси ишлаб турибди. Спортчиларимиз нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсида аждойиб ютуқларга эришмоқда. Утган саккиз йил мобайнида улар халққаро

муسابакаларда жами 198 та олтин, 269 та кумуш, 323 та бронза медалини қўлга киритди. Ўзбекистон аҳолининг 1998 йилдан жонининг энг баланд чўққиси — Эверестни забт этиб, унга Ўзбекистон байроғини қалади. Ўзбекистон Президенти кубоғи учун теннис буйича халққаро турнир ўтказиш ағънага бўлиб қолди.

(ЎЗА)

САРҲИСОБДАН КЎНГЛИМИЗ ТЎҚ

192 ўринли мактаб Боевут ва чўл худудидан 12,7 чакиримли газ тармоқлари ҳамда 2,5 чакиримли тоза ичимлик суви тармоғини куриб фойдаланишга топшириди. Шунингдек, виллоятда хар бирининг қиймати 17,5 миллион сўмлик 3 та қишлоқ врачлик пунктининг куриб битказилиши барча қатори ўзимизга ҳам олам-олам қувонч бағишлади.

Эндиликда қишлоқ аҳли мустақил ва муолажа олиш

учун узоқ йўл босиб шаҳарга ёки туман марказларига бориш ташвишларидан холос бўлишди.

Президентимиз 2000 йилни «Соғлом авлод йили», деб эълон қилди. Қулоғ шифо масканларига, тоза ичимлик сувига эга бўлган қишлоқ аёллари сўзсиз соғлом ва дуркун яшашди. Улардан дунёга келган фарзандлар ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳоддан баркамол бўлиб ўсишларига ишончим

Исмон ИБДУЛЛАЕВ,
курувчи.

ШАҲАРЛИКЛАРИНИНГ БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА

Шу кунларда пойтахтнинг гавжум гузарларида қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари савдо армаркалари ўтказилмоқда.

Савдо армаркалари ўтказишнинг ҳамюртларимизнинг турмуш астойдил харақат қилаётганлигини ишонди, — деди шаҳар маъмурият Фулмонзор а.Маъмурият. — Янги йил байрам аррасида, қолаверса, Рамазон ойида қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари савдо-сотиғининг йўлга қўйилганини айни мўдда бўлди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш л.Сотх парламенти маълумот берди. Муслимовнинг маълумот берди. Муслимовнинг маълумот берди. Муслимовнинг маълумот берди.

1999 йил юртимизда яшовчи хар бир инсоннинг ҳаётида ўчмас из қолдириди. У омад ва муваффақият, мустақиллиқни мустақиллаш дамлари сифатида узоқ йиллар хотирламизда сақланиб қолади.

1999 йил биз курувчилар учун ҳам муваффақият япти келди, десам аниқлимайман. Биз Сирдорё виллоятда бунёдкорлик ишларини олиб борамиз. Бугунча куплаб қишлоқларда курган мактаб ва боғ-чапар, йўл, иёкбонлар, ётқизилган сув ва газ қувурлари ана шу меҳнатимизнинг маҳсулидир.

Фақат шу йилнинг ўзида Сайхунбод туманида

ЭШИТМАДИМ, ДЕМАНГЛАРИ! «СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ»

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитаси шафелигида ана шу мавзуда янги ижодий танлов эълон қилади



Очиги, республикамиз Президентини Ислам Каримовнинг йили «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиш ҳақидаги ташаббуси замирида ушбу танловнинг маъно муҳимаси. Зеро, йилнинг маъно муҳимаси эришган ёки республикамизнинг эришган кунини бундан олдин эришган ёки авлод қўлади. Демак, биз уларни қанчалик соғлом-баркамол, чуқур библик, тираф тафаккурини, элор ва она Ватанга муҳаббат руҳида тарбияласак, юртимизнинг порлоқ келажакига ҳисса қўшган бўламиз. Бундай тамойиллар эса

ҳозирги замон олимиячилик ҳаракати ташкилотчиларининг Олимпия хартиясида ақс этирилган голлари билан бениҳоя

комил.

Бизнинг жамоамиз, шунингдек, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш коллекторлар, янги насос станциялари куриш, ҳосилдор ерларни ўзлаштириш билан ҳам шуғулланишди. Бу йил жамоамиз 2000 йилни барча қўрсаткичлар буйича юқори натижаларга эришган ҳолда кутиб олди. Мен ўз жамоамиз номидан барча-барча юртдошларимизни янги йил билан чин юракдан қутлоғим. Янги йил уларга бахт, омад ва тинчлик олиб келишини тилайман.

Исмон ИБДУЛЛАЕВ,
курувчи.

ДИҚКАТ, ТАНЛОВ

вазифаларга хизмат қилади. Олимпияда голлари билан Президентимиз ташаббусининг бундай ҳамкорчилигини Ўзбекистон спортининг барча вақиллари орадан ҳас этишмоқда. Республика Миллий Олимпия кўмитаси шафелигида «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида «Соғлом авлод йили» ижодий танловини эълон қилиш ташаббуси ҳам шу тариқа эълон қилинди.

Демак, янги йилдан бошлаб хар иккала газета шахфаларида маъзур танловга келган материаллар жумламан берилмайд. Биз эса фурустандан фойдаланиб, ижодкорларимизни унда фаол иштирок этишга даъват қиламиз.

ЯНГИ АСР БЎСАҒАСИДАГИ ЎЙЛАР

Мана, йигирманчи асрнинг тўқсон тўққиз йили адоқ бўлиб, унинг сўнги — юзичи йилига ҳам қадам қўйиб арафасидамиз. Бори-йўри яна бир йилдан сўнг учинчи минг йиллик бошланади. Бир асрдан иккинчи асрга оидлаш, бир минг йилликдан янги минг йилликка қалам қўйиб, хар қалай, хар кунни ёхуд хар йилни рўй бераверадиган оддий воқеа эмас. Қолаверса, бугун бугун жаҳон шунчаки оддий бир хронологик эвридишнинг бошидан кечираётгани йўқ, балки моҳияти ва мазмуни жиҳатидан бутунлай янги бўлган, сифат нуқтаи назардан аввалгилардан тубдан фарқ қилувчи янги тарихий босқичга кўчмоқда. Жаҳоннинг таниқлиб олинган босиб ўтилган йиллар ва йўллар тўғрисида чуқурроқ ўйлаб кўришни, улардан инсоният ҳаётини жиндий бўлса-да енгилатадиган хулосалар чиқаришни, «Янги асрда қандай яшаганимиз маъқул?» — деган ўта муҳим саволга жавоб излаб кўриш масаласида фикр юритмоқдалар. Сўнги йигирма-йигирма беш йил мобайнида жаҳоннинг пешкадам мутафаккирлари ва атоқли алломалари ва масалалар атрофида астойдил бош қотирмоқдалар. Биз ҳам бугун Янги йил шодёнларидан масрур бўлган бир ҳолдада ана шу жиддий жўмбоқ устида бақадри ҳол мулоҳаза юритишга жаҳд қилимиз.

Ҳўш, инсоният ўзининг ХХ асрлик йилуви жаҳонда нимага эришди? Унинг бу йўлдаги энг катта муваффақияти, қўлга киритган энг буюк бойлиги нима бўлди? Албатта, у ўз ривожига туртинатуртин, адаша-адаша турли йўллардан борди, турли ижтимоий тузумлар шартинда яшаб кўрди, сонсанокис Урушлар қилди, бир-бирини қирди, бир-бирининг ёстигини қуритувчи ақл бовар қилмайдиган ажал қуролларини иштиро қилди ва шу билан бирга турли даврларда, турли қўлларда, турли мамлакатларда яшаган ва турли тилларда ижод қилган буюк ақл эгаларининг ёрдамида ҳамма учун беқийс аҳамиятга эга бўлган буюк кашфиётлар қилди. Менимча, бу кашфиётларнинг энг буюги, энг самарадори, энг аҳамиятлиси — гуманизмдир. Янги инсон — бу дунёнинг энг буюк сўниси, ер курашининг энг улғу қадриятлидир; бу дунёда маъжуд неъматларнинг ҳаммаси инсонникидир, у нодир қудрат соҳиб, у ноёб ихлоқдор, у ўз меҳнати билан ўз бахтини бунёд этади, ўзи яшайдиган курраи заманини обод этади; бу дунёда ниманки қилинмасин, ҳаммаси инсонни улғулаш мақсадида, унинг ҳаётини фаровон қилиш ишига йўналтирилмоғи керак. Гуманизм голларини баркамол даражада қўла-рида, уларнинг самарасини оширишда, одамларнинг қўлдан қўлга ҳаётида муқаллас дастурлашмада айлантиришда жаҳон динларининг ҳам хизмати катта бўлди. Улар инсоннинг муҳаббатини, бир-бирга меҳрини, шафқатини ва гўмўрлигини энг юксак қадриятлар даражасига кўтарди. Инсонга муҳаббат, инсоний муҳаббат инсон ҳаётининг моҳиятини ташкил қилувчи, турли-туман ёнғи кучларга қарши курашда унга малаҳдор бўладиган омил деб эълон қилинди. Деярлик йигирма аср мобайнида, мелодан аввалги даврни эълиторга олсак, ундан ҳам кўпроқ вақт мобайнида голубина янраган бу қудратли муҳаббат қўшини инсоният тарихига тегаран бир маъно бахш этиди, уни бетакдор рангларга буркади. Бироқ тарихи кўп гаройиб нарсга, у хар хил эйдийлатларга, ақл бовар қилмайдиган парадоксларга бўлди. Жумладан, гуманизм масаласида ҳам бунинг ақол кўриш мумкин. Бир томондан гуманистик голлар улғуланган бўлса, иккинчи томондан, бу голларни оёқ ости қилиш, таққирлаш, йўқотиш ва обрўсизлантиришга йўналтирилган ҳаракатлар ҳам муқом содир бўлиб турди. Хуллас, тарих қўл даражада гуманизм голларининг камол топганини ақс эттирса, шу даражада уларнинг емирилиш жараёнини ҳам ўзига сиғдириб. Бу жиҳаддан, айниқса, ХХ аср алоҳида ажралиб турди. ХХ аср кўп жиҳаддан инсоният таракқиётининг энг қўлиманицион нуқтасини ташкил қилади. Бу асрга келиб инсониятнинг ривожланиш сурвати бениҳоя тезлашиб кетди.

ХХ асрда инсон ўзининг бор бўйи билан кўринди-қолди. Бир томондан — инсонга ҳос иллатлар, худбиллик, йиртқичлик, турли-туман кўринишдаги бойлик, молу дунё, фахш ишларига интилиш, бели оғраймай пул орттириш иштиқеи, қонхўрлик, ўзига яқинларга қўшадиллик, тубанлик ва разолат авж олди. ХХ асрда инсонлар бир-бирига қарши уруш олиб бормаган, бир-бирининг қўлиманицион вайрон қилмаган, бир-бирини иленисиз қўйишлар ва азоб-уқубатларга гирифторм қилмаган бирор йил бўлмади. Худди шу асрда Фарбда ҳам, Шарқда ҳам шундай зolim ва қонхўр ҳукмдорлар, мустабиллар, диктаторлар ўтдиларки ва улар ўз халқларининг қонларини шундай сўрдиларки, ўтмиш тарихини титқилаб, энг зolim подшоҳар ичидан ҳам уларга тенг кела оладиган бирортасини тополмайдик. Бу ҳам етмагандай, ХХ аср одамини зўр бир шиддат билан ўзи ўтирган бутқонни аралашта, ўзи яшаётган муҳитини захарлашга киришди. Лекин ХХ асрнинг фақат қора бўёқларга буржаб тасвирласак, бу ҳам тўғри бўлмас. Бу асрда ҳам инсон ўзининг бениҳоя эҳдили, ўткир ақл эгаси эканини, олам сирларининг ич-ичига кириб бора оладиган иқтидорга эга эканини, олам ақли бовар қилмайдиган кашфиётлар қилишга қодир эканини ҳам намойиш қилди. Айни шу асрда қилинган бир қатор кашфиётлар нафақат инсоннинг яшаш тарзини ўзгартирди, балки унинг тафаккур қувватини ҳам янгилаб юборди. Бу асрда дунёни билиш бобида орттирилган бениҳоя бой тажриба инсонга ҳаётининг энг чигал муаммоларини хал қилишга, энг мураккаб жўмбоқларини ечишга қўшмача куч-қувват ато этмоқда. Бу эса ўз навбатида инсониятнинг келажакига, истиқболга умид билан боқишга улайди. Моломкин, инсон тафаккури энг мураккаб масалаларини ҳам ечишга қодир экан, у инсониятнинг ҳалок бўлиб кетишига, ўз лоқайдлигининг қурбон бўлиб кетишига йўл қўйиб қўймайди. Бу тафаккур инсоният босиб ўтган таракқиёт йўлидан, у тўпланган турфа тажрибадан, албатта, тегишли хулосалар чиқаради ва бу хулосалар бўлгуси ХХI асрда дунёнинг ҳамма бурчидан алолат таптана қилишини, хаётини фаровонлик қарор топшини, Эркинлик, Инсоф, Дибнат, Ҳалоллик ва Тўғрилик яна ўз ўринини егаллашини таъминлайди. Янги йилда далай қадимлар билан қирғиб бораётган жонажон Ўзбекистонимизнинг тақриб ҳам бу фикримизни тўлиқ тасдиқлайди.

(Давоми 2-бетда).

ЯНГИ АСР БЎСАҒАСИДАГИ ЎЙЛАР

(Давоми. Боши1-бетда).

Илгирманчи юз йилликнинг сўнги йилини кўтиб олиш улду айём кунларига...

қилган Қонулар, изчил амалга ошириладиган ислохотлар билан жамиятда, алқачон, бу келажатда...

Ҳа, улуг кунларда, қиш бўлишига қарамай, осмонда қўши чараклаб турган кунларда яшаймиш...

Мен ушундан аниқ қилиш кераклигини ҳужжатларда таъкидлаган, бу ўғатларда Исом Каримов ҳам қайта-қайта таъкидлаган...

Ҳўш, менинг бу хоҳишим амалга ошадиган гапми худ шунчаки хоҳамасми? Менимча, амалга ошадиган, бемалол рўбга чиқарса бўлади...

Қириб келаётган янги йилнинг муборак бўлиши, азиз юрдашларим!

Муносабат АЛЛОМАЛАР РУҲИНИ ШОД ЭТИШ...

Истиқлолдан кейинги йиллар ичида ҳаётимизнинг турли жаҳаларида, айниқса мессимиз ва маънавий қадриятларимизни тиклаш борисида...

Оллоҳга беадал шукрлар бўлсинки, табарук заминимиздан чиққан буюк алломаларнинг саногати эшик бўлмади...

КРЕДИТ ЙЎЛИ ОЧИЛДИ

"Наврийот" ишлаб чиқариш бирлашмасида янги турдаги қимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун...

Қўшхабар

МУКОФОТГА "ДАМАС"

Учкудук тумани қоракўчалари Қизилқум йилловларини қўй-қўзига тўқилган борида тармоқ...

П. ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



— Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови кунини

«АХБОРОТНОМА»НИНГ ЯНГИСОНИ

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови комиссиясининг Ахборотнома» унинг сўнги раундида ҳозир кечаётган сайлов арасида бўлиши...

Мамлакатимиздаги сайловлар жараёнини катта ўқиб билиш кузатиётган кўрсонди муштарифларимиз учун «Ахборотнома»нинг гашига сони ҳам қизиқарли уйғотили, деган умиддаимиз.

Марказий сайлов комиссияси Матбуотгараси.

ХОРИЖДАГИ ХАМЖОРЛАР ИСТАГИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови бугунги кунда нафақат мамлакатимизда, балки унинг сарҳадларидан олтиларда фаолият юритиётган минглаб ватандошларимиз ҳам...



ИШ ҚУРОЛИНГ СОЗ БЎЛСА...

Айни кунларда Наманганда кузги-қишқи тадбирлар тез ва сифатли ўтказилмоқда. Шубҳасиз ишлари низоҳати етди.



Чунки, ҳаёдий баҳор эшик қоқайди, — дейди «Наманган раёони» раёони раиси Маммурид Сотиқовичев, — шу бош қан барча турдаги техника...

СУРАТЛАРДА: (Чавдан) «Наманган раёони» раёони раиси Маммурид Сотиқовичев «Зарбдор» ширкат ҳуждали беш муҳимини Тўрғўйқон Оқоев, «Ўзбексейсер» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси беш менеждери Бойнамет Турсуновлар узаро фикр алмашмоқда; таъмирловчи уста Нажмиддин Хасанов.

Тўрғўйқон МАҲКАМОВ олган суратлар.

«Халқ сўзи» фуқаролар хизматида

РЕЖАГА КИРИТИЛДИ

Қўшма ҳужжатда икки минг арзон истеъмод қилди. Ҳар йили баъзан қудрат пахта, ҳарла ва пилла етиштирилади.

ташкилотларига натижасома, арномадор эдики. Аммо турмуш шартлари ўзгариши бўлганда...

«ГАЛЛАБАНК»НИНГ ЯНГИ БЎЛИМИ

Берунийда республика иқтисодиётини янгиликларни тижорат «Галлаб»нинг янги бўлими очилди. У Қорақўлақонистон жауналиги...

Я. ҚҮЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СИРДАРЁ ТАРИХИ

Очиги, менинг бу мақолада эшитишга Юртбошимизнинг сирдарёлик сайловчилар билан учрашувида айтган гаплари туртки бўлди.

Сирдарё воқиси чиндан ҳам катта ва бой тарихга эга. Башари тарихининг отаси ҳисобланмиш Херодот маълумотларига қараганда, Сирдарё бўйларидан йиланг қабилаларда аёллар салтанати ҳукм сурган.

Убайдулла УВАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири

Хайрият «Олтин мерос» хайрият жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари

бу Арстудек муаллимни аввалин шогирди Искандардек фотиҳнинг ҳам қонини қўштирган, бу ерларни забт эттишга ундаган.

«Яратганга минг қатла шукр, истиқлол тўғрисида Сирдарё воқиси тарихий манбаларда таъсирланган аввалин қиёфасини қайтадан тикламоқда. Гулистон шаҳри тўғрисида бир чирой оқмоқда, гулдаш-ишнамоқда. Даврлар ўтиб, авлодларимиз бешим ҳам келди...

Пиримқул ДҮСТМАТОВ, журналист.

МИННАТДОРЛИК

ЁШЛАРНИНГ ИСТАГИ ЯҒОНА



Бугунги кунда мамлакатимиз ёшлари Президентимизнинг оталарча гамхўрлиги, ҳомийлигида яратилган қулай имкониятлардан баҳраманд бўлмоқдалар. Мен ҳам ана шундай ёшлардан бириман.

Тошкент Давлат иқтисодий университетининг халқаро иқтисодий муносабатлар факультетини тахсил қилиб, 1998 йилда халқаро валюта-кредит муносабатлари мутахассислиги бўйича бакалавр имтиҳони билан дипломини олдим. Шу йили иқтисодий ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси тавонидан қўллашиб, грант соғиндорли бўлиб ва АҚШга 2 йиллик магистрант ўқишга юборилдим.

АҚШнинг Флорида штатидаги Жаксонвил университети магистратурасида тахсил олиб, ўқув режасидаги барча фанларни мудатидан беш ой олдин ўзлаштириб, (баҳолаштириб), Американинг ўзида ҳам ўқишни мудатидан олдин бажариш ҳоллари кам бўлар экан) синон-имтиҳонларни муваффақиятли тоширдим. «Бизнесни бошқариш» йўна-

лишидаги «Халқаро бизнес» мутахассислиги бўйича магистр унвонига эга бўлдим.

Тўғри, ўқиш осон бўлмади. Юртбошимиз, Ватанимиз ишончини оқлаш учун тинимсиз ўқиб, изланиб, жаҳон илму фани ютуқларини чуқур ўзлаштиришга, дунёнинг энг илғор мамлакати бўлган Америка Қўшма Штатларининг ҳаётий тажрибаларини ўрганишга ҳаркат қилдим. Уқуш даврида ўзбек халқининг миллий қадриятлари, қадимий давлатчилик тарихи, бой маънавий мероси билан америкалик тенгадошларининг таълиқлари. Аждодларимиз орасидан етишиб чиққан ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Беруний, Имом ал-Бухорий, Ибн Сино, Улугбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо ва бошқа буюк мутафаккир, алломаларимизнинг ҳаёти, уларнинг илму маърифат соҳасида жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларини, биз уларнинг муносиб воқисларини эканлигини янада чуқурроқ англашга интилдим.

Америкаликлар Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотларнинг самаралари,

бунёдкорлик ишлари, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, жаҳонда халқаро нудузининг ортга бориши ҳақидаги сўхбатларимизни қизиқиш билан тинглардим. Иншооллоҳ, бизга кўрсатилган ишончини оқлаб, она юртимга орзу-истаклар билан қайтиб келдим. АҚШ университетини олган билан, тажрибаларим билан Ўзбекистонимизнинг равнақи, халқимиз учун фаровон ҳаёт яратиш йўлида астойдил хизмат қиламан.

Мени Ватанимга қайтиб келишим — мамлакатимиз тақдирини энг катта сиёсий воқеа — Ўзбекистон Президентини сайловига тўғри келганидан гўяда хурсандман. Биз, «Умид»чилар бу сиёсий тақдирда иштирок этиб, қардон ва меҳрибон Ислом Каримов учун овоз берамиз.

Равшан ЙЎЛДОШЕВ,
«Умид» фонди
соғиндори,
халқаро бизнес магистри.

**Қишлоқ
тадбиркорлари**

**СОФ ФЙДА —
БЕШ МИЛЛИОН**

Дамин ака Мадиев Булоқбоши туманидаги нон ишлаб чиқариш корхонасига раҳбарлик қилади. Жамоа жорий йилда 850 тонна нон ёпиб, дастурхонларга барака киритди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 300 тоннага кўпдир.

— Корхонамизда бир неча турдаги нондан ташқари буюкчалар тайёрлашни ҳам йўлга қўйдик. — дейди Мадиев. — Яқиндан бошлаб эса макарон ва қандолат ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Қисқа вақт мобайнида савдо шохобчаларига 25 тонна макарон ва 20 тоннага яқин қандолат маҳсулотлари етказиб бердик. Ялпи маҳсулот ҳажми 47 миллион сўмга етди. Беш миллион сўмдан ортиқ соф фойда олди.

Корхона миллионерлар сафидан ўрин олди.

О. ШОДНОАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НОГИРОНЛАРГА

ТУХҒА

Рузаи рамазонда қариялар, боқувчинини йўқотганлар, ногиронлар, жамики муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, кўнгил сўраш, сийлаш халқимизнинг асрлар-асрага ўтиб келаётган урфларидан бири. Бу хайрли фазилат яқин ўтмишимиз — шўро мафқураси ҳукмронлиги йилларида яшириниб, қимтиниб амалга оширилди. Энди эса бу ҳислат миллат фахрига, юрт ифтихорига айланди.

Шу кўтлуг кунларда Қизил ярим ой жамиятининг Фарғона шаҳар бўлими мутаасадилари ногирон болалар мактабига ташриф буюришди. Кўнгли ярим болалар рамазон тухғалари — ўқув қуроллари, турли ширинликлардан бошлари осмонга етди. Шунингдек, кўп болани оила-ларга иссиқ кийимлар, пойабзаллар, шакар ва бошқа тансиқ маҳсулотлар тортиқ қилинди.

Шаҳардаги «Муруват уйи»да эса савоатпешаларни оstonада кичик концерт баъзи билан қарши олишди. Қиш кунларда тухға қилинган кийим-бошлар, хобхона анжумлари, кўрпа-тушаклар жуда асқотишини ширинтой болалар миннатдорчилик билан таъкидлашди.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.



БИР ПАРЧА ЕР БАҲОСИ

Ангор туманидаги Қўзи Тўлақов номи фермерлар уюшмаси деҳқонлари бу йил 12 гектар ерга эртаги ва кечки қарам навларини экишди. Ҳозир бараже униб чиққан эртаги қарам қўчатлари пилёнка остига олиноқда. Миришкор деҳқонлар келгуси баҳорда эртаги қарамдан 3000 тонна ҳосил олишни режалаштиришган.

Айниқса, бу борада Файзулло ака Қўлиев бошлиқ оилавий фермер уюшмаси 28 гектар ердан ҳар йили юқори ҳосил олишга эришмоқда. Жорий йилда жамоа 6 гектар ерга экилган пахтадан 34 центнердан, 10 гектар майдондаги галладан 23 тонна ҳосил олиб, 2 миллион 300 минг сўм даромад қилди.

Айни пайтда, тажрибали фермер Файзулло ака фарзандлари билан 5 гектар ерга экилган кечки қарам ҳосилини узиш ишларини бошлаб юборди.

Бундан ташқари, оила аъзолари ўзарининг 40 сотихдан ошқ шахсий томорқасида 30 туп лимон, 20 туп ёнғон, 15 туп хурмо ва анор, қолган ерларга қишқи зиравор қўчатлар етиштиради. Оиланинг бу йилги шахсий томорқаларидан олган соф даромади 700 минг сўмни ташкил этди.

СУРАТЛА: фермерлар пилёнка остидаги эртаги қарам қўчатларини қўздан кечирмоқда.
И. ХЎЖАЕВ (ЎЗА) олган сурат.


Виз дўстлар!
“Асака” банки
ўзни Янги 2000 йил
билан чин қалбдан
табриклайди
в Сизга сиҳат-саломатлик,
мел-муҳаббат, шоду хуррамлик
ҳмда файзу барака тилайди!
Яри йилда барча орзуларингиз
рўёбга чиқсин!

Бахтли бўлинг!



700015, Тошкент ш., Нукус кўч., 67.
Тел.: (99871) 120-81-11, 120-81-12.
Факс: (998712) 54-06-59.

Has@2434




Хурматли Ватандошлар!
«ШОШТРАНС»

ҚҚ ЁҲЖ ЖАМОАСИ

бутун Ўзбекистон халқиникириб келаётган

ЯНГИ 2000 ЙИЛ БИЛАН
ҚИЗҒИН ҚУТЛАЙДИ!

Янги йилда Ўзбекистоннинг
ҳар бир фуқароси ва оиласига бахт,
дўстлик ва тотувлик, тинчлик ва аҳиллик
моддий фаровонлик, барча юксак орзуларининг ижобати,
мамлакатимиз равнақи йўлидаги ижтимоий ва
иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилишида
улкан зафарлар тилайди!





**АЁЛЛАР КАФТИДА
КЕЛАЖАК**

2000 йилнинг кириб келишига санокчи дамлар қолди. Эртанги тонда «Аёллар йили» яқунлиги, «Соғлом авлод йили»га киримиз. Суратчи муҳбиримиз Нўмонжон Муҳаммаджонов тасвирга туширган ушбу суратга боқсангиз, муноси аёлларимиз юртимизнинг соғлом авлодини эркалаб, кўзларига кўтараятганлигини кўрасиз. Бу болажонлар эса эртага мустақил Ўзбекистонни қаф-тарларида тутиб, дунёга кўз-кўз қилишига жуда-жуда ишонгимиз келади.

СУРАТЛАРДА: Қиррай туманидаги «Қиррай» жамоа хўжалигидаги «Шодлик» болалар боғчасида бўлиб ўтган Янги йил арчаси тантанасидан лавҳалар.

**ОҚ ҚОҒОЗГА
ҚўНГАН ТУЙҒУЛАР**

(Газетамизга келган шеърларни ўқиб...)

Инсон қалби нозик. Инсон кўнглини тоғиб сўзлаш, инсон кўнглини кўтариш осон эмас. Дунёда одамзотнинг содиқ бир дўсти бор. Сирларини соғмайди, дилни оғритмайди, қалб ноларини унсизгина тинглайдиган дўсти бор. Бу — оқ қоғоздир. Инсон борки, дардлари дунёга сиймаган кезларда кимдир тўқилгиси, ёригиси келади. Ана шундай пайтларда қоғоз ва қаламдан малҳам излаган инсонлар — саодатли кимсалардир.

Йил давомида таҳририятимизга мамлакатимизнинг турли бурчақларида яшаётган шеърят мухлисларидан кўп-кўп мактублар келди. Гарчи, уларнинг аксариятини газетамизда чоп этиш имконияти бўлмаса-да, шеърларни синчковлик билан ўқидик, энг яхшиларини мухлислар эътиборига ҳавола этдик. Айниқса, 16 февралдаги машғум воқеа эзуликка ошно дилларда акс-садо берди. Юрбощимизнинг номига битилган, жабрдидаларга ҳамдардик билдириб, жиноятчи қотилларга нафрати тўлиб-тошган юзлаб шеърий мактублар олдик. Қирғизистоннинг Уш вилоятида, Тожикистон, Қозғистонда қилмаган қилмаган ўзбек биродарларимиздан ҳам дил номалари келди.

Уш шаҳрида ўқитувчилик қилаётган Аъзамжон Бойназаров Ўзбекистонда бўлаётган катта ўзгаришлар, бутандорлик ишларидан қувонади. Ва беғубор юрак сазоларини сатрларга жо этган:

Хоразмлик қаламкаш Раҳим Отақон ҳам Ўзбекистонимизнинг эришяётган ютуқларидан бир фарзанд сифатида фахрланади. Она-Ватанга бўлган самимий муҳаббатини қоғозга туширади:

**Шод айлаб болалар руҳин,
Балад тундиш тинчлик тугин.
Бағринг буну, бағринг суғун,
Аҳди баланд Ўзбекистон,
Тахти баланд Ўзбекистон.**

Самарқанд вилояти, Пойрақ туманида истиқомат қиладиган шеърят ихлосманди, «Дустилик» ордени соҳиби Узоқбой Мислибоев ҳам ўзининг она Ватанимизга бўлган покиза муҳаббатини содда мисраларда ифода этган:

**Ўзбекистон она Ватаним,
Сенинг учун фидо жон-танам,
Томиримда сен оққан қоним,
Қайси йўқ сўзла маконим!**

Ўқидигиз-а, Узоқбой аканинг битикларида, оҳангнинг монандида гализлик бордир. Аммо гап унда эмас. Гап шу инсоннинг-да туйғуларини уйғоқлигида.

Қашқадарье вилояти, Қамаш туманидаги Гулистон қишлоғидан Абдивой Раҳим «Сасиқ алафлар» ҳамда «Отарчи» номли ҳажвий шеърлар йўлаган. Ҳажвийнинг мақсади ҳаётимизда учраб турадиган баъзи бир камчиликлар, инсонларнинг, амалдорларнинг нуқсонларини санъаткорона фож этиш.

Кўзини ёғ босган кимсаларнинг кўзини очадиган, баъзи бировларнинг юзига ҳақиқат ойнасини тутиб турадиган ҳажвий шеърлар ҳамма замонларда халқимиз томонидан сениб ўқилган. А.Раҳим ана шу ўткир жанрда қалам тебратган. Ҳажвийнинг бошқа шеърлардан фарқи унинг тилида. Нишонини аниқ мўлжалга олишда. Бироқ А.Раҳим бироз янгилашган. «Сасиқ алафлар» ҳажвийсида ҳайкал пойига гул қўймоқчи бўлган, европача кийиниб, ортиқча бўянган келин ва кувё ҳақида «Балбўй сасиқ алаф икки тасқара» деган хулоса чиқаради. Эндигина янги ҳаёт оstonасига қадам қўётган ёшларини бундай дейиш жоизмикин? Иккинчи ҳажвия эса шундай мисралар билан бошланади.

**Бир кишининг тўйига келди тўртта отарчи,
Ҳажжакчи раққоса, чилдирмачи, думорчи.
Раис руҳатни бергач, жаранглади мусиқа,
Йўрғалаб чиқди раққоса ҳаракати қизқ-а?**

Муаллифнинг ниёти яхши. Ниҳоқ тўйларидеги раққосанинг беҳушов қилиқлари, баъзи бир эркакларнинг ёш болалар, хотин-қизлар, ҳатто ўз фарзандлари кўз унгидаги ҳатти-ҳаракатларини ҳажвга олган. Лекин ёш қаламкаш ортиқча сўзларни кўп ишлатган, қоғиза тузишга берилиб кетиб, кўзлаган мақсадига эриша олмаган.

Бухоро вилояти, Пешку туманидан Мирфайз Қозоқ, Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний шаҳридан Бекмурод Давлетов, Қашқадарёдан Райҳон Ашурова, Ангрён шаҳридан Насиба Гофурова, Наманган вилояти Чортоқ туманидан Қурбонали Йўлдошев, Хоразм вилояти, Хива туманидан Омонбой Ражабовлар ҳам бизга ўзларининг шеърий машқларини йўлаган. Бу шеърларда ҳам юқоридеги тилга олган муаллифлар машқларидаги сингари камчиликлар учрайди.

Инглиз шоири Байрон, дардларимни одамларга айтдим, қулоқ солмади, уларни сатрларга жойлаганимда ҳамма эътибор билан тинглади, деб ёзган эди.

Шеърят яхшилик истган кўнглиларга малҳам бўлгучи эзулик масканидир. Адабиётга ошно бўлган, дардларига қаламдан малҳам излаган инсонлар Ватанини чин юракдан севган, жамки одамзотга яхшилик тиловчи беозор, асл кишилардир.

Гарчи биз шеърят ихлосмандлари таҳририятимизга йўлаган барча мактублар ҳақида батафсил тўхталмасак-да, оппоқ қоғозга томган туйғуларига ошно бўлдик. Яхшиликка, эзуликка монанд ураётган юрак сазоларини эшитдик. Янги йилда ҳам ана шу юраклар она-Ватан, жонажон Ўзбекистонимизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлсин.

**А. ЖўРАЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.**

ABN-AMRO Bank

АН АМРО БАНК МБ ҲЪБЕКИСТОН А.Ж.

*меҳнатсевар ва меҳмондўст
Ўбекистон халқини кириб келаётган*

Янги йил билан

самимий муборакбод этади!

*2000 йил - Ўзбекистон
Республикасида бўладиган
Соғлом авлод йили ҳамма учун
омадли бўлсин.*

*Ҳар бир оиллага файзу барака,
тинчлик-тотувлик келтирсин!*

*Соғлом-самимий, бахт-саодат
Сизларга ёр бўлсин!*

BRITISH AMERICAN TOBACCO UZBEKISTAN
**Бритиш Американ Тобакко
Ўзбекистон**
**МАМЛАКАТИМИЗ
ХАЛҚИНИ**
Янги 2000 йил билан
*самимий муборакбод этади.
Ҳар бир хонадонга тинчлик,
бахт-саодат, қут-барака тилайди.*
**2000 йилда янгида сайланган
Олий Мажлис депутатларининг
масъулиятга ишларига
муваффақият тилаймиз.**

**ҲУРМАТЛИ
ОТА-ОНАЛАР!**
Агар сиз ўз фарзандингизга унутилмас Янги йил таассуротларини ҳаё этмоқчи ва уларни эртақларнинг сирли оламига етакламоқчи бўлсангиз, нима қилиш кераклиги тўғрисида бош қотириб ўтирманг. Сизларни бу ташвишдан халос этиш учун **«Туркистон» саройи қишки таътил кунлари** **31 декабрдан 10 январгача** «Митти Мук» эртаги асосида Янги йил арчасини тақдим этади. Сизларни ранглар жилоси, гаройиб мусиқа ва сийли совғалар кутмоқда **болаларга завқ бермоқ учун Қорбонни бошлаб биз томон Совғаларни элтар Митти Мук, Бирга бўлинг, қолмасин армон!** **Томошалар: 11.00, 13.00, 15.00 да бошланади.** Чипталар «Туркистон» саройи кассаларида сотилмоқда. Жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда. Муражаат учун телефонлар: 34-99-45, 34-71-39, 2346

Республика ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат банки — «Галла-банк» жамоаси банкнинг Қорақалпоғистон Республикасидаги филиалининг бошқарувчиси Баҳодир Янгитбоевга волидан муҳтарамаси **АҚИЛЖОН** ованинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Тошкент Молия институтининг ва жамоат ташкилотлари «Молиявий таҳлил» кафедрасининг ўқитувчиси Н. Ишонқуловга оталари **Файзулла ИШОНҚУЛОВ**нинг бевақ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Тошкент Автомобиль йўллар институтининг ректорати ва жамоаси «Фалсафа ва педагогика» кафедрасининг собиқ доценти, нафақадор **Саломат АЛИМОВ**нинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг она аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади. «Тошкентавтотўл» Давлат акционерлик бирлашмаси меҳнат жамоаси бирлашма бошқаруви раиси муовини Зафаржон Юлдашевга падари бузруквори **Зокир ЮЛДАШЕВ**нинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжлиси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. РИЗАЕВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУХИДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
М. САФАРОВ,
Р. ФАРХОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85;
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибиат — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0999, 23276 нускада босилди, ҳажми — 2 табок. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета PENTIUM-II компьютерда терилди ҳамда операторлар **С. ЛУКИН** ва **Ж. ТОҒАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **Ю. ҲАМИДОВ.**
Навбатчи муҳаррир — **Қ. ЭШМАТОВ.**
Навбатчи — **Т. АБДУРАҲМОНОВ.**
Мусаҳҳих — **Ш. МАШРАББОВ.**

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зинд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга то вақти — 2-иримқул тоширилди. **АМАТОВ,** 1 2 3 налист.